

Абу Али ибн Сино – буюк қомусий олим.

Марказий Осиё азалдан жаҳон цивилизацияси, илм – фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган олиму – фозиллари билан машҳур. Ана шундай мутафаккирлардан бири Абу Али ибн Синодир. Ибн Сино, Абу Али Ал – Хусайн ибн Абдуллох Ибн Ал – Ҳасан ибн Али ибн Сино 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида таваллуд топган. Европада “Авиценна” номи билан машҳур бўлган. “Сино” сўзи дари тилида “марваридларни тизимга келтирувчи” (сверлильщик жемчужин) маъносини англатар экан. Манбаларда келтирилишича Ибн Синонинг отаси Абдуллох ибн Хасан ўзига тўқ, маданиятли инсон бўлиб, ўша даврдаги солиқ соҳасида хизмат қилган.

Абу Али беш ёшга кирганда Ибн Синолар оиласи Бухорога кўчиб келишган ва ўғлини ўқишга берганлар. Абу Али ибн Сино аввал Қуръони Карим, тил ва адабиётни ўрганишга киришиб, ўн ёшга етар – етмас бу дарсларни тўла ўзлаштириб олади. Шу билан бирга у мантиқ, ҳисоб, алжабр, хандаса, фалакиётга оид фанларни ҳам ўргана борди.

Бухоро X –XI асрларда Сомонийлар давлатининг пойтахти сифатида Шарқнинг энг бой ва гуллаган шаҳри эди. У ерда ганчкорлик, тўқувчилик, қурувчилик, заргарлик каби кўплаб ҳунармандчилик тармоқлари фаолият кўрсатган, мис, темир рудаси қазиб чиқарилиб, чўян эритиш ҳам йўлга қўйилган. Ибн Сино ҳам ёшлигини ана шундай маданий марказда ўтказди ва кўплаб билимларни эгаллайди.

Ибн Синога туғма қобилият ва фавқулодда меҳнатсеварлик хос бўлиб у дарсларни тез ўзлаштирган. Тиб илмига ўзгача меҳр қўйган бўлғуси аллома бу соҳада тез кўзга ташланади. “Тиб илми қийин илмлардан эмас, шу сабабдан қисқа муддат ичида бу фанда жуда илғорлаб кетдим дейди у. Энди ҳатто билимдон табиблар ҳам келиб ҳузуримда тиб илмидан сабоқ оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам даволаб турардим ва шу йўсинда орттирган тажрибаларим натижасида муолажа эшиклари менга шу қадар кенг очилиб кетдики, уни таърифлаб бериш қийин, ” – деб ёзади Ибн Сино таржимаи ҳолида.

Алломанинг буюк хизматлари ҳақида Президент И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч асари” да: “Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўқув юртларида асосий тиббиёт дарсликларидан бири сифатида ўқитиб келингани, дунё миқёсида “Медицина”, “Соғлом турмуш тарзи” деган тушунчаларнинг фундаментал

асоси бўлиб хизмат қилгани, албатта, чуқур ҳаётий ва илмий заминга эга” эканлигини эътироф этган бўлсалар, 2014 йил 15 май куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида: “Биз доим ғурур ва ифтихор билан эътироф этамизки, тиббиёт тарихида энг машҳур бўлган, “Тиб қонунлари” деб аталган ўзининг бебаҳо фундаментал асари билан Ибн Сино кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берди, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларини энг муҳим соҳаларига асос солди”. – деб мутафаккир ижодига янада теран мазмунли баҳо бердилар.

Ҳақиқатдан ҳам мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йилларидаёқ уч томдан иборат ушбу китобнинг ўзбек тилида нашр этилиши катта тарихий аҳамиятга эга. Зеро, 1012 – 1023 йиллар мобайнида ёзилган ушбу асарнинг қўлёзмалари ўз даврида тезда тарқалган эди.

XII асрдаёқ Кремоналик Герард “Қонун”ни арабчадан лотин тилига таржима қилгач Европа университетларида тиббиёт фани Ибн Сино асарлари асосида ўқитила бошланган. “Тиб қонунлари” асосий дарслик сифатида беш юз йилдан ортиқроқ вақтгача ўз қиймати ва аҳамиятини сақлаб қолган.

Ибн Сино ўн етти ёшидаёқ Бухорода моҳир табиб сифатида танилган. Ўша даврдаги Сомонийлар давлати ҳукмдори Нух ибн Мансур хасталаниб қолади. Сарой табиблари уни даволай олмай қийналганлар. Шунда Ибн Синони саройга чақириб амирни даволашни унга ишониб топширадилар. Ёш табиб ҳукмдорни даволагач сарой кутубхонасидан фойдаланишга ижозат берадилар. Бу кутубхона ўша даврда бутун Ўрта Осиё ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхона эди.

Ибн-Сино қомусий олим бўлиб, 450дан ортиқ асарлар ёзган. Бизгача 242 таси етиб келган. Шундан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга, 43 таси табобатга, 19 таси мантиққа, 26 таси руҳшуносликка, 27 таси табиат илмига, 7 таси астрономияга, 1 таси риёзиётга, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси одоб илмига, 4 таси адабиётга, 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларига бағишланган.

Ибн Сино тиббиётга доир “Тиб қонунлари”, китобини ёзган бўлса, фалсафий – ахлоқий йўналишида “Ал –ишорат ва танбиҳат” (“Ишоралар ва танбеҳлар”), “Донишнома” (“Билим китоби”), “Рисолаи

ахлоқ”, “Рисолаи ишқ” каби асрлар ёзган. Олимнинг бу борадаги фаолиятида илм ва ахлоқ муштараклиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳар икки жараённинг муштараклиги эса инсонни донишманд ва юксак мавқели шахсга айлантиради, комилликка етаклайди. Чунки, комиллик, ахлоқий раванг ҳақиқий инсонларга хос хусусият бўлиб, ақл, тафаккурга таяниб, уни ҳақиқатга, адолатга олиб боради. Шу билан бирга дўстни душмандан, тўғрилиқни эгриликдан, ростни ёлғондан, эзгуликни ёвузликдан ажрата олишда ёрдам беради.

Ибн Синони Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг энг илғор қомусий олимларидан бири сифатидаги бой тарихий меросини тизимли равишда ўрганиб бориш ҳозирги глобаллашув даврида, мафкура полигонларининг ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга эканлиги шароитида, “оммавий маданият”нинг зарарли таъсирларига қарши самарали кураш олиб боришда, ёшларимизнинг мафкуравий иммунитетларини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Турсунбой Абдуллаев. Андижон қишлоқ хўжалик
институти, Гуманитар фанлар кафедраси мудири
Махмуджон Исоқов. Педагогика ва табиий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси.